



Ислом Нури

Мухтарам ота-оналар, фарзадларингизга бу дарсларни таълим беришингизда албатта бироз кийинчиликларга дуч келасиз. Шунинг учун насихат киламизки, бироз машаккат сизларни фарзанднинг тарбия ва таълимидан узиб қўймасин. Хамда сан-манга солиб ота онага, она отага ташлаб қўймангиз. Фарзандларга тарбия ва таълим бериб уларнинг дунёкарашини кенгайтириш хар бир ота-онага вожибдир. Киёмат кунида ота хам, она хам фарзандларининг таълиму-тарбияси тўғрисида албатта сўралурлар.

1. Савол: Болажоним, сен энг биринчи кимни яхши кўрасан?

Жавоб: Мени яратган, менга ризк берадиган Аллохни яхши кўраман.

2. Савол: Аллохдан кейин кимни яхши кўрасан?

Жавоб: Бизнинг пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васалламни яхши кўраман (болалар факат Мухаммад деб салавот айта олмаса шубхасиз бунда уларга гунох йўк).

3. Савол: Аллох ва Унинг пайгамбаридан кейин кимни яхши кўрасан?

Жавоб: Ота-онамни яхши кўраман.

4. Савол: Биз кимни дўст тутамиз?



Ислом Нури

Жавоб: Аллохни яхши кўрган муслмонларни дўст тутамиз.

5. Савол: Кимларни ёмон кўрамиз?

Жавоб: Аллохни яхши кўрмайдиган одамларни ёмон кўрамиз.

6. Савол: Болажоним, муслмонлар нима килишади?

Жавоб: Намоз ўқишади.

7. Савол: Намоз ким учун ўқилади?

Жавоб: Аллох учун ўқилади.

8. Савол: Пайгамбаримиз учун ҳам намоз ўқилса бўладими?

Жавоб: Йўқ, намоз фақат Аллох учун ўқилади.

9. Савол: Муслмонлар яна канака бўлишади?

Жавоб: Муслмонлар бирор бир кишини ноҳақ уришмайди ва ҳеч кимни сўқишмайди.

10. Савол: Бола ақасини, уқасини, опасини, ё синглисини урса нима бўлади?

Жавоб: Бундай бола ёмон бола бўлади. Аллох бундай болани яхши кўрмайди.